



ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

Б У Й Р У Қ

29.08.2012 йил

Тошкент ш.

№ 262

Тармоқ тариф-малака маълумотномасини тасдиқлаш тўғрисида

Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори асосида соҳага оид тармоқ тариф-малака маълумотномаси ишлаб чиқилганлигини инобатга олиб, **б у ю р а м а н:**

1. Ноширлик ва матбаа соҳасида хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур тармоқ тариф-малака маълумотномаси Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тасарруфидаги нашриёт ва матбаа корхоналарида қўлланилиши мажбурий, бошқа ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар учун тавсия тусига эгаллиги белгилаб қўйилсин.

3. Агентлик тизимидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари амалдаги ички лавозим йўриқномалари ва кадрларга оид хужжатларини мазкур тармоқ тариф-малака маълумотномасига мувофиқлигини қайта кўриб чиқиб, амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотларни икки ой муддатда Агентликнинг Кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш бўлимига тақдим этилишини таъминласинлар.

4. Кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш бўлими (И.Назаров):

Агентлик марказий аппарати ходимларининг лавозим йўриқномалари ва кадрларга оид хужжатларини тармоқ тариф-малака маълумотномаси асосида ўрнатилган тартибда қайта кўриб чиқиш ва бир ой муддатда тасдиққа киритиш;

тизимдаги корхона ва ташкилотлар томонидан тегишли лавозим йўриқномалари ва кадрларга оид хужжатларни тармоқ тариф-малака

маълумотномасига мувофиқлаштирилишини назоратга олиш, зарур ҳолларда тегишли бўлинмалар билан биргаликда услубий ёрдам кўрсатиш;

амалга оширилган ишлар бўйича таклифларни раҳбариятга киритиш топширилсин.

5. Ахборот хизмати раҳбари (Ш. Мансуров) мазкур буйруқ ва у билан тасдиқланган тармоқ тариф-малака маълумотномасини Агентликнинг расмий веб-сайти (www.ari.uz)да фойдаланувчилар учун қулай ҳолатда жойлаштирилишини таъминласин.

6. Матбаа корхоналарини сертификатлаштириш ва стандартлаштириш масалалари бўйича мувофиқлаштириш бошқармаси (Ф.Фазилов) тармоқ тариф-малака маълумотномасини керакли нусхада чоп этиш билан боғлиқ тадбирларни ташкиллаштириш чораларини кўрсин.

7. Умумий бўлим (Ғ.Бозоров) ушбу буйруқни марказий аппарат бўлинмалари ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларга етказсин.

8. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Бош директор ўринбосари Р.Сафаев зиммасига юклатилсин.

Бош директор



Б.Алимов